

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



**“СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ ” ФАНИДАН РЕЙТИНГ ТИЗИМИ
АСОСИДА ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ БАҲОЛАШ БЎЙИЧА**

ЎҚУВ УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ-2009

“МАЪҚУЛЛАНГАН”

“Ахборот технологиялари ва Менежмент” факультети
Илмий Кенгашида маъқулланган

“ТАВСИЯ ЭТИЛГАН”

“Менежмент” кафедрасининг
2009 йил 29.09 даги мажлисида муҳокама
қилинган ва тавсия этилган
(Кафедра мажлисининг 5-сонли баённомаси)

Тузувчи:

Яхъева И.К. “Сифат менежменти ” фанидан рейтинг тизими асосида
талабалар билимини баҳолаш бўйича услубий кўрсатма –Т.:ТДИУ, 2009, 8 бет

Асосий қоидалар

“Сифат менежменти ” фани бўйича тайёрланган мазкур услубий кўрсатма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 7 августдаги 276-сонли буйруғи билан амалга киритилган “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида Низом”, 2005 йил 21 февралдаги 34-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Талаба мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисида Намунавий низом” 2009 йил 22-сентябрь 4-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Сифат менежменти ” фани бўйича Намунавий дастур ҳамда ТДИУ “Ахборот технологиялари ва Менежмент” факультети Илмий Кенгашининг 2009 йил 29 августдаги 1-баённомаси билан тасдиқланган “Сифат менежменти ” фани бўйича Ишчи ўқув дастури асосида ишлаб чиқилган.

Мазкур услубий кўрсатмадан бакалавриат босқичи “Менежмент”, таълим йўналиши 2-курс талабаларининг “Сифат менежменти ” фанидан билимини назорат қилиш ва баҳолашда фойдаланиш тавсия этилади. У талабаларга мазкур фанни ўзлаштиришда зарурий балларни тўплаш ҳақида тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Йўналиш ишчи ўқув режасида фанга ажратилган умумий ўқув юкламаси 162 соат, шу жумладан маъруза машғулотлари 42 соат, амалий машғулотлар 42 соат, мустақил иш 78 соат ҳажмида режалаштирилган.

1. Назорат турлари ва уни амалга ошириш тартиби

“Сифат менежменти ” фани бўйича талабаларнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турларини ўтказиш назарда тутилади.

1) жорий назорат (ЖН)- талабанинг фан мавзулари бўйича билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Жорий назорат мазкур фан хусусиятидан келиб чиққан ҳолда маъруза ва амалий машғулотларда қуйидагича амалга оширилади.

- мавзулар бўйича олинган билимларни оғзаки сўраш;
- конспектларни текшириш;
- талаба фаоллигини баҳолаш;
- тестлар олиш;
- уй вазифаларининг бажарилганлигини текшириш;
- кейс стади ечиш ва бошқа шу кабилар.

2) оралик назорат (ОН) – университет ўқув жараёни графигига биноан ўтказилувчи мазкур фаннинг бир неча мавзуларини ўз ичига олган назорат шакли ҳисобланади. “Сифат менежменти ” фани бўйича оралик назоратлар 2009 -2010 ўқув йилининг 1-семестридаги 9 ва 17 ҳафталарида ўтказилади. Ушбу фан бўйича ОН 2 марта ўтказилиши режалаштирилган.

1- ОН ёзма иш шаклида 3 та топшириқдан иборат бўлади.

2- ОН ҳам ёзма равишда 3 та топшириқдан иборат бўлади.

Оралиқ назорат саволлари ҳар бир янги ўқув йили бошида кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан тузилиб, кафедра мажлисида муҳокама қилинади ва тасдиқланади. Тасдиқланган оралиқ назорат саволлари олдиндан талабаларга тарқатилади. Жумладан “Сифат менежменти” фанидан оралиқ назорат саволлари “Менежмент” кафедрасининг 2009 йил 29-сентябрь 5-мажлисида муҳокама қилинган ва тасдиқланган.

3) **якуний назорат (ЯН)** – семестр якунида муайян фан бўйича назарий ва амалий кўникмаларни талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини баҳолаш усули. Мазкур фан бўйича якуний назорат семестр охиридаги икки ҳафта давомида Ўқув-услубий бошқарма томонидан тузилган график асосида фанга ажратилган соатлар ва аудиторияда ёзма иш шаклида ўтказилади.

2. Баҳолашнинг тартиби ва меъзонлари

“Сифат менежменти” фани бўйича талабаларнинг билими савияси, кўникма ва малакалари назорат қилишнинг рейтинг тизими асосида баллар ифодаланади.

Талаба мазкур фан бўйича йиғиши мумкин бўлган максимал балл-100 балл бўлиб, у қуйидагича тақсимот қилинади.

- Жорий назорат -45 балл
- Оралиқ назорат-40 балл,
- Якуний назорат -15 балл.

Фан бўйича жорий, оралиқ ва якуний назоратларнинг ҳар бирига ажратилган баллнинг 55 фоизи саралаш балл этиб белгиланади. Ҳар бир назорат туридаги саралаш балидан кам балл тўплаган талаба академик қарздор талаба ҳисобланади.

Жорий назоратдаги баллар тақсимоти (ўзлаштириш кўрсаткичлари бўйича баҳолаш меъзонлари)

№	Мезонларининг номланиши	Ҳар бир топшириқ учун	Максимал йиғиш мумкин бўлган балл
1.	Талаба фаоллиги (мавзулар бўйича оғзаки жавоб бериш, мавзулар бўйича тақдимот тайёрлаш)	Ҳар бир жавоб 0,5балл ҳар бир тақдимот учун 2 балл	10 балл 4 балл
2.	Мавзу бўйича тўлиқ конспект ёзиш	Семестр давомида конспектни ёзиб бургани учун 3 балл	3 балл
3.	Тестларни ечиш	Ҳар бир тўғри ечилган тест учун 0,2 балл	8 балл
4.	Уй вазифаларини бажариш (ўқув топшириқлар, масалалар, назорат саволлари)	Ҳар бир тўғри бажарилган уй вазифа учун 1 балл	10 балл

5.	Кейс ечиш	Ҳар бир тўғри ечилган муаммоли масала учун 1балл	10 балл
----	-----------	--	---------

Жорий назоратда талабалар ўзлаштириш кўрсаткичлари қуйидагича тақсимланади:

- а) **39-45 баллгача** жорий ўзлаштириш “аъло” баҳоланади
- б) **32-38 баллгача** жорий ўзлаштириш “яхши” баҳоланади
- в) **25-31 баллагча** жорий ўзлаштириш “қониқарли” баҳоланади
- г) **0-25 балл** бўлганда талаба мазкур назорат тури бўйича етарли балл йиғмаган деб хулоса қилиниб, ушбу фан бўйича академик қарздор деб ҳисобланади.

Оралик назоратда баллар тақсимои (ўзлаштириш кўрсаткичлари бўйича баҳолаш мезонлари):

1-ОН ёзма иш шаклида 3 та назарий саволдан иборат бўлади.

2-ОН ҳам ёзма равишда 3 та назарий саволдан иборат бўлади.

Оралик назорат турлари	Ўтказиш муддати	Ўзлаштириш кўрсаткичлари	Баҳолаш мезонлари
Биринчи оралик назорат (1-ОН)	2009 йил 26-31 октябрь	10-12 балл (56-70 балл)	-назарий саволга жавоб бериш (2 балл) -назарий саволга жавоб бериш (3 балл) -9-11 та тестни тўғри ечиш (5 баллдан 7 баллгача)
		14-15 балл (71-85 балл)	-назарий саволга жавоб бериш (3 балл) -назарий савол (4 балл) -12-13 та тестни тўғри ечиш (7 баллдан 9 баллгача)
		17-20 балл (86-100 балл)	-назарий саволга жавоб бериш (4 балл) -назарий савол (5 баллдан 6 баллгача) -14-15 та тестни тўғри ечиш (9 баллдан 10 баллгача)
Иккинчи оралик назорат	21-26 декабр 2009 йил	11-13балл	-назарий саволга жавоб бериш (2 балл) -назарий саволга жавоб бериш (3 балл) -9-11 та тестни тўғри ечиш (5 баллдан 7 баллгача)
		14-16 балл	-назарий саволга жавоб бериш (3 балл) -назарий савол (4 балл) -12-13 та тестни тўғри ечиш (7 баллдан 9 гача)
		17-20 балл	-назарий саволга жавоб бериш (4 балл) -назарий савол (5 баллдан 6 баллгача) -14-15 та тестни тўғри ечиш (9 баллдан 10 баллгача)

Ҳар бир ОН бўйича **0-11 балл** тўплаган талаба мазкур назорат тури бўйича етарли балл йиғмаган деб хулоса қилиниб, умумий 22 баллдан кам бўлганда ушбу фан бўйича академик қарздор ҳисобланади.

Якуний назоратда баллар тақсимот (ўзлаштириш кўрсаткичлари бўйича):

ЖН ва ОН ажратилган умумий баллдан саралаш балини тўплаган талабага якуний назоратда иштирок этиш ҳуқуқи берилади. Якуний назоратдаги вариантлар ҳар бир талабага такрорланмайдиган, алоҳида тузилиб, ҳар бири 4 та топшириқдан иборат бўлади.

Якуний назоратдаги ёзма ишларни баҳолаш мезонлари ҳар бир топшириққа максимум 3 баллдан белгиланади.

Якуний назорат	Ўтказиш муддати	Ўзлаштириш кўрсаткичлари	Баҳолаш мезонлари
	1-6 феврал 2009 йил	14-15 балл	Талаба 4 та топшириқни бажариши керак (3 та назарий савол, битта тест).
		12-13 балл	Талаба 3 та топшириқни тўлиқ бажарган 1 топшириқни қисман бажарган бўлиши керак.
		9-11 балл	Талаба 2 топшириқни тўлиқ 2 топшириқни қисман бажарган бўлиши керак.
		0-8 балл	Талаба 2 тадан кам топшириқни бажарган бўлиб, ушбу фан бўйича академик қарздор ҳисобланади.

Ёзма ишларни профессор-ўқитувчилар икки кун давомида текшириб, баҳоларни эълон қилиши ва тегишли ҳужжатларда қайд этиши лозим.

“Сифат менежменти ” фани бўйича мустақил ишлар жорий, оралиқ ва якуний назоратлар жараёнида қуйидаги топшириқларни бажариши орқали назорат қилинади ва баҳоланади (талаба топшириқлардан бирини бажариши мумкин):

-Президент И.А.Каримов асарларини мустақил ўрганиш, конспектлаштириш – 10 балл;

-Корхоналар ташқи иқтисодий фаолиятига оид Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларни конспектлаштириш -10 балл

-фаннинг ихтиёрий мавзуси бўйича энг сўнгги интернет маълумотларини йиғиш, таҳлил қилиш ва тақдиротини амалга ошириш – 10 балл

-фан бўйича реферат тайёрлаш – 10 балл.

Талаба ЖН ва ОН лардан бирор тури бўйича ўз вақтида узурли сабабларга кўра балл тўплай олмаса, қайта ўзлаштириш учун кейинги шу назорат туригача бўлган муддат берилади.

Академик қарздор талабаларга қайта ўзлаштириши учун семестр тугаганидан кейин икки ҳафта муҳлат берилади. Кафедранинг тегишли профессор-ўқитувчиларига қарздор талабалар билан ишлаш вазифаси юклатилиб, у махсус жадвал асосида амалга оширилади.

